



**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Бундан ташқари ҳудудларни ободонлаштириш, шаҳардаги қорхона ва ташиқлотларнинг атроф ҳудудларини бириктирилишини қайта кўриб чиқиш, об-ҳаво кескин пасайиши даврида истеъмолчиларга узлуксиз равишда коммунал хизматларини кўрсатиб тarmoқларда содир бўлиши мумкин бўлган авария ва носозликларни тезкорлик билан бартараф этишни ташкил қилиш учун барча коммунал хизмат кўрсатиш қорхоналарида ва ижтимоий соҳа объектларида раҳбар ходимларнинг навбатчиликларини ташкил этиш масаласи алоҳида қайд этиб ўтилди.

Шу билан бир қаторда Тошкент шаҳри уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларининг 2012-2013 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлиги ва мавсумни ўтказиш ҳамда Тошкент шаҳар аҳолиси ва ижтимоий соҳа объектларида электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ етказиб берилиши бўйича доимий мониторинглар ўтказиб бориш топширилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан 2012-2013 йил қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини яратиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар муҳокама қилиниди ва қиш мавсумида шаҳар аҳолисини картошка, пиёз, сабзи ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Сессия кун тартибидаги Ўзбекистон Республикаси «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Қонунининг Тошкент шаҳридаги ижроси бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раиси А. Набиевнинг ҳисоботи тингланди.

Йигилишда турар жойларни замон талаби даражасида бошқариш, намунали сақлаш ва хизмат кўрсатиш, мукамал ва жорий таъмирлаш ишларини сифатли бажарилишига, бир сўз билан айтганда хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш, моддий техника базасини янада шакллантириш орқали ширкатларнинг нуфузини, таъминлиги ва молиявий мустақиллигини ҳамда улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилди.

Жумладан, Тошкент шаҳар Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси, туман ҳокимликлари зиммасига «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Тошкент шаҳрида ижроси бўйича мулкдорлар билан ҳамкорликда кўп қаватли уйларда уй-жойларни бир-галликда бошқариш, уни сақлаш, асраш ва таъмирлаш ҳамда ташкил этиш ишларини талаб даражасида йўлга қўйиш топширилди.

Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томо-

нидан белгилаб олинган ҳудудий Дастурлар ижроси бажарилишини мулкдорларнинг умумий йиғилишида кенг муҳокама қилиш ва ислохотлар жараёнига тўсқинлик қилаётган салбий факторларни аниқлаб, уни бартараф этиш кўрсатиб ўтилди.

Бундан ташқари туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда иқтисодий ночор фаолият кўрсатаётган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларни ўрганиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни намунавий ширкатлар даражасига етказиш белгиланди.

Шу билан бирга Ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси билан ҳамкорликда кўп қаватли турар жойлардаги мавжуд лифтларни жорий таъмирлаш ишларини яқунлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Сессия кун тартибидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият

Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 5 декабрдаги «Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулиги тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифаларни ижросига оид масалалар кўриб чиқиш топширилди.

Сессияда «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳрида ижросига оид масала кўриб чиқилди.

Унда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси томонидан 2011 ва 2012 йилларнинг ўтган даврида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш борасида Тошкент шаҳрида экологик вазиятни соғломлаштиришга қаратилган муайян ишлар амалга оширилгани қайд қилиб ўтилди.

Сессияда «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнидаги муаммоларни чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Учтепа тумани ҳокими А. Рустамов ва Ҳамза тумани ҳокими Ф. Ҳакимовларнинг ҳисоботлари юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Шунингдек, сессияда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари Ж. Қулмуҳамедов ва Н. Насимовларнинг депутатлик фаолиятлари юзасидан ҳисоботлари, Тошкент шаҳрида 2013 йилда янги иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бoш бошқармаси бошлиғи Ф. Зупаров, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши қошида «Тошкент шаҳрини ободонлаштириш ва фаровонлигини ошириш жамоат Фондини» ташкил этиш тўғрисида Молия бoш бошқармаси бошлиғи Н. Собировларнинг ахборотлари тингланди.

Сессияда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 44-моддасига биноан бўшаб қолган депутатлик ўрнига 2012 йил 25 ноябрь яқшанба кuni Миробод туманидаги 17-Мингўрик, Ҳамза туманидаги 33-Тараққиёт ва 37-Курвучилар, Юнусов туманидаги 52-Уста Ширин, Яқкасарой туманидаги 60-Ракат сайлов округларида Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайловини ўтказиш белгиланди.

Бундан ташқари сессияда Кенгаш ваколати доирасидаги бошқа масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилиниди ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессиясини тайёрлаш ва ўтказиш чора-тадбирлари белгиланди.

# ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг Сенат ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамкорлигини янада ривожлантириш бўйича 2010-2011 йиллар ҳамда 2012 йилнинг ўтган даври мобайнидаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти ҳақида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида Кўмаклашувчи комиссияга ёрдам берувчи Тошкент шаҳар ишчи гуруҳи раиси, шаҳар ҳокимининг ўринбосари, сенат аъзоси Ф. Абдурахмоновнинг ахбороти эшитилди.

Ушбу масала юзасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорда Сенат комиссиясининг иш режаларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ишчи гуруҳи фаоллигини ошириш, доимий комиссиялар фаолиятини режалаштириш ҳамда такомиллаштиришга доир таклифларни Сенат комиссияси муҳокамасига олиб чиқиш, Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси билан ўзаро ҳамкорлик ишларини кучайтириш, веб-сайтдаги тегишли маълумотлар базасини янада бойитиш ҳамда амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилиши таъкидланди.

Шунингдек, Сенатнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ишчи гуруҳига 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси

**Яқинда Австрия Иқтисодиёт палатасида Ўзбекистон сармоиявий ва сайёҳлик салоҳиятининг тақдими бўлиб ўтди. Унда Австриянинг ишбилармон доиралари ҳамда сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этдилар.**

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ САРМОЯВИЙ ВА САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ АВСТРИЯДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Тадбирда унинг иштирокчилари Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтишининг беш тамойилни ўз ичига оловчи «ўзбек модели»нинг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликларини, мазкур тамойиллар мустақиллик йиллари мобайнида ҳар томонлама асосли ва самарадор эканлигини намойиш қилганининг тафсилотлари билан атрофлича танишдилар. Шунингдек, мамлакатимизнинг сармоиявий салоҳияти, жумладан, «Навий» эркин иқтисодиётининг индустриал ҳудуди ва «Ангрен» маҳсул индустриал ҳудудида ҳорижий шериклар учун яратилган қулай шарт-шароитлар ҳақидаги маълумотлар ҳам тақдимот қатнашчиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

Жумладан, «Wabsa» компаниясининг Шарқий Европа мамлакатлари бўйича менежери Т.Вибсингер қайд этганидек, сўнгги йиллар давомида Ўзбекистонда энг замонавий ва рақобатбардор автомобилсозлик саноатини барпо этиш борасида катта ишлар амалга оширилди. «Компаниямиз автомобилсозлик соҳасидаги ўзбекистонлик шеригимиз «СамАвто» билан автомобиллар учун механика, электроника-механика ва электроника технологияларини етказиб бериш бўйича ҳамкорлик тажрибасига эгадир. Келгусида мамлакатингизнинг шу соҳада фаолият олиб борадиган бошқа компаниялари билан ҳам ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш истагидамиз», деди у.

Уз навбатида, «Voith Hydro GmbH» компаниясининг минакавий менежери С.Марушек ҳозирги пайтда Ўзбекистон қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш, янги кичик сув электр станцияларини қуриш ва мавжуд сув иншоотларини модернизациялаш масалаларига устувор аҳамият бераётганини қайд этди. «Сув электр станциялари учун асбоб-ускуналар етказиб бериш билан шуғулланадиган компаниямиз Ўзбекистондаги бу соҳага ихтисослашган компаниялар билан яқин алоқаларни ўрнатилган манфаатдордир», деди С.Марушек.



## УЗОҚ МУДДАТЛИ ХЎЖАЛИК МУНОСАБАТЛАРИ АСОСИДА

**(Давоми. Боши 1-бетда)**  
Виллот қорхоналари томонидан эришилган келишувларга мувофиқ вертикал ва марказдан қочирма насослар, поливинилхлориддан тайёрланган фитинглар, кучли ток узатиш кабеллари, трансформаторлар, тақсимлаш қурилмалари, подшипниклар, тўқимачилик буюмлари, ветеринария препаратлари ва бошқа янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада дунёнинг турли давлатларидан юзлаб ҳорижий компания ва фирмалар вакиллари иштирок этмоқда. Ўзбекистон компаниялари ҳорижий шериклар билан бевосита амалий музокара ўтказмоқда, улар билан тижорат алоқаларини ўрнатмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ**  
ёзиб олди

## Танловлар

### ИҚТИДОРЛАРИНИ НАМОЙИШ ҚИЛИШДИ

**Камолитдин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтида «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг Мирзо Улуғбек туман босқичи бўлиб ўтди.**

Тадбирда қизлар уч йўналишда таништирув, эркин мавзулардан иборат бўлган шартлар асосида ўзларининг истеъдодларини намойиш қилдилар. Шунингдек, ноъёнавий телероликлари ва турли хил кўргазмалар йиғилганлар эътиборини қозонди.

**Мехрибон МАМЕТОВА,**  
ЎЗА мухбири



